

## **Қирғизистон: Ўзбек Қочқинларни Орқага Қайтарманг** **Қочқинлар Хавфсизроқ ва Шароити Яшашга Лойик Жойга Кўчирилмоғи Лозим**

(Жалолобод, Қирғизистон, 27 Май, 2005) — Хьюман Райтс Вотчнинг айтишича Қирғиз ҳукумати Ўзбекистонда ҳукумат кучлари томонидан содир этилган хунрезликдан қочиб қўшни давлатдан сиёсий бошпана сўраётган ўзбекларнинг мажбуран ўз мамлакатларига қайтарилишига йул қўймаслиги керак.

Хьюман Райтс Вотч Қирғиз ҳукуматини - сўзида ҳам, амалда ҳам - Ўзбек қочқинлар тақдирини борасида аниқ ва мужмалсиз ахдларини баён қилишга чакиради.

БМТнинг Қочқинлар Масаласи бўйича Олий Комиссари Қирғиз ҳукумати билан яқин ҳамкорликда ишлаб қочқинларни чегарадан узоқроқ ва яшаш шароити яхшироқ жойга кўчириши лозим.

«Қирғизистон Ўзбек фуқароларнинг биринчи оқимини ўз мамлакат худудига киритиб туғри иш қилди,» дейди Холи Картнер, Хьюман Райтс Вотчнинг Оврўпа ва Ўрта Осиё бўлимининг бошлиғи. «Бироқ Қирғиз ҳукумати бошпана сўраб келганларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак. Агар одамлар чегарада орқага қайтарилса ёки Ўзбекистонга мажбуран жўнатилса, улар қийноққа солиниши ёки қотил этилиши мумкин.»

БМТнинг Қийноқлар масаласи бўйича Маҳсус Маърузачисининг 2003 йилдаги топилмаларига кўра Ўзбекистонда қийноқлар «мунтазам» равишда содир этилади.

Ўзбек ҳарбий кучлари 13 май куни Андижондаги намоийшчиларга қарата ўт очиб юзлаб одамларнинг жонига зомин бўлган, ундан копи эса яраланган. Бу фожеадан сўнг 500дан ортиқ Ўзбек фуқаролари Андижонда ўз уйларини тарк этиб Қирғизистондан бошпана излаганлар. Улар ҳозир Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятида жойлашган жумлоқда сақланмоқталар. Жумлоққа кириш ва чиқиш чегараланганлиги назарга олинса, бу ер қочқинлар учун қамокхонадай жойдир. Бундан ташқари жумлоқ Ўзбекистон чегарасига яқин бўлган ва хануз икки мамлакат томонидан тортишилаётган худудда жойлашган.

Хабарларга кўра сешанба куни Жалолобод вилояти ҳокими жамоат йиғилиши утказиб ўзбек қочқинларининг вилоятда қолишига йўл қўймаслигини айтган; Хьюман Райтс Вотч бу борада ўта хавотир изҳор этди. «Бизнинг урфу-одатимиз бўйича сайёҳларни уч кун меҳмон қиламиз, ундан ошиқ эмас. Бу одамлар ўз мамлакатига бориб яшаши керак», деган ҳоким.

«Ҳукуматнинг муҳим бир мулозимидан чиққан бундай очик ёвузли сўзлари Қирғиз ҳукуматининг зўравонликдан қочган қочқинларнинг ҳимоялашга қилган ахдларини шубҳа остига қўяди,» дейди Картнер.

Хьюман Райтс Вотчнинг тергов ходимлари чегарадош Қорадарё шаҳрида жойлашган жумлоқларга сафар қилишди. Жумлоқ Қирғиз хавфсизлик кучлари (собик КГБ) томонидан назорат қилинмоқда ва улар қочқинларни маҳбуслар сифатида қурмоқдалар. Қочқинлар жумлоққа кириш ёки чиқиш ҳуқуқига эмаслар ва мобил телефонларни ишлатишдан маҳрум қилинган. Бундан ташқари, Хьюман Райтс Вотч ходимларининг айтишича у ердаги шароит оғир ва яшаб бўлмайдиган ахволда. Масалан, 500дан ортиқ қочқинлар учун фақат

10та палатка бор, сув ва озиқ-овқат ҳаммага етарли эмас. Ходимлар қочқинларнинг хашорат босган донни ейишга лойиғини ажратётганини кўрган.

«Бундай абгор шароит одамларнинг хавфсизлигига таҳдид солмоқда, чунки вақт ўтиб улар ё Қирғизистонда очликдан қийналишни ёки Ўзбекистонга қайтиб ҳаётини хавф остига қуйишни танлашга мажбур бўлиб қоладилар,» дейди Картнер.

Инсон ҳуқуқлари ташкилотлари бундай абгор шароит юзасидан хавотир изҳор этаркан, улар Қирғиз ҳукуматини ҳамда БМТнинг Қочқинлар Масаласи бўйича Олий Комиссариятини жумлоқни зудлик билан хавфсизроқ жойга кўчиришига ундамоқдалар. Хозирги жой чегарага жуда яқин, унинг устига тортишилаётган, «кимсасиз» ердир.

«Жумлоқни иложи борича зудлик билан хавфсизроқ жойга кўчириш керак,» дейди Картнер. «Халқаро ҳамжамият эса Қирғиз ҳукуматига қочқинлар ва сиёсий бошпана сўраганларнинг талабларини қондириши учун етарлича маблағ ажратиши лозим.»

Бундан ташқари Қирғиз мулозимлари сиёсий бошпана сўраганлар тўғрисида Ўзбекистон ҳукуматига маълумот, жумладан уларнинг исми-шарифлари ҳамда яшаш манзилларини берганлиги тўғрисида жиддий иттифоқлар янграмоқда. Ўзбекистон ҳукумати бундай маълумотни бошпана сўраганларнинг Андижонда қолган қариндошларига қарши таъзир утказиш учун ишлатиши эҳтимолидан Хьюман Райтс Вотч хавотирда.

«Агар Қирғизистон қочқинлар тўғрисидаги шахсий маълумотларини Ўзбек мулозимларига ошқор қилсалар, бу сиёсий бошпана бериш улуғ анъанасини пучга чиқариб қўяди,» дейди Картнер. Хьюман Райтс Вотч Қирғиз ҳукуматини Ўзбек мулозимларининг қочқинларни қайтариш ёки экстрадиция қилиш талабларини кескин рад этишга ундайди.

Хьюман Райтс Вотч Қирғиз ҳукуматини Ўзбекистонлик бошпана излаётган шахсларнинг маълумотини аниқлаш вазифасини БМТнинг Қочқинлар Масаласи бўйича Олий Комиссарига беришга чакиради.

1951 йил Қочқинлар борасидаги Конвенцияга аъзо булган Қирғизистон таъзир ва зўравонликлардан қочган қочқинлар учун ўз чегарасини очик тутиб уларнинг ҳар бирининг мақеи белгилаунга қадар камида вақтинча ҳимоя билан таъминлаши шарт. Ўз мамлакатида қийноққа солиниши хавфи бор инсонларни мажбуран ватанларига қайтариш Қийноқларга Қарши Конвенцияга зид келади, Қирғизистон эса ушбу Конвенцияга аъзодир.